

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

2-3-сон
(46-47)
2015 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2015 йил 6 июль, Тошкент)	3
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Протокол (2015 йил 6 июль, Тошкент)	5
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси	

Хукумати ўртасида 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик Дастури (2015 йил 6 июль, Тошкент)	8
Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Кипр Республикаси Хукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим (2012 йил 5 апрель, Тошкент)	12
Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Бразилия Федератив Республикаси Хукумати ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (2009 йил 28 май, Бразилия)	14
Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида икки-ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция (2013 йил 8 июль, Мадрид)	17
Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида икки-ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида Конвенцияга Протокол (2013 йил 8 июль, Мадрид)	37

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида БИТИМ*

2015 йил 6 июль, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, унинг номидан «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати, унинг номидан Туризм вазирлиги, бундан буён «Томонлар» деб аталувчилар, икки давлат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилан ҳолда, туризм секторининг иқтисодий ривожланишда муҳим эканлигини англаб, туризмнинг Томонлар давлатлари халқлари ўртасида ўзаро тушунишни кучайтиришда муҳим омил эканлигини тан олиб, тенглик, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаат тамойилларига асосланиб,
қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Томонлар ўз давлатлари фуқароларини икки мамлакат халқларининг тарих ва маданият соҳасидаги ютуқлари, шунингдек табиати ҳамда диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари ва миллий анъаналари билан таништириш мақсадида туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашадилар.

2-модда

Томонлар давлатлари миллий қонунчилиги асосида ўз фуқароларининг ҳар иккала мамлакатларга сафарларини рағбатлантирадилар. Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида манфаатдор туристик ташкилотлар ўртасида бевосита алоқаларни ва ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Томонлар мазкур Битим доирасида қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиладилар:

* 2015 йил 6 июлдан кучга кирган.

- а) туризм соҳасига оид маълумотлар билан алмашиш;
- б) кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш мақсадида мутахассислар билан алмашиниш дастурларини ташкил этиш;
- в) туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, шу жумладан Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ тақдим этиладиган инвестициявий имтиёзлар тўғрисида ахборот алмашиниш;
- г) Томонлар давлатлари туроператорлари ва туризм соҳасида фаолият юритувчи етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўзаро махсус ташрифлар уюштириш;
- д) тарғибот, маркетинг ва тўхташ жойларини ривожлантириш ҳамда бошқариш соҳасида тажриба алмашиш;
- ё) ҳар иккала Томон давлатларида ўтказиладиган кўرғазма ва ярмаркаларда иштирок этиш;
- ж) хавфсиз ва барқарор туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш.

4-модда

Томонлар мазкур Битим ижросини таъминлаш юзасидан фикр алмашиш мақсадида таркибига ҳар икки Томондан тенг миқдорда аъзолар киритиладиган Қўшма ишчи гуруҳ тузишлари мумкин.

Қўшма ишчи гуруҳ ўз даврий учрашувларини ҳар икки йилда бир мартаба Томонлар олдиндан ўзаро келишган муддатларда навбат асосида ўтказди. Томонлар мазкур учрашувларга туризм соҳасида фаолият юритадиган компаниялар вакилларини таклиф этишлари мумкин.

5-модда

Қўшма ишчи гуруҳ учрашувини ўтказишда юборувчи Томон сафар билан боғлиқ йўл ва яшаш харажатларини қоплайди. Учрашувни ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатларни қабул қилувчи Томон қоплайди.

6-модда

Мазкур Битим Томонлар ва уларнинг давлатлари иштирокчи бўлган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

7-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ дипломатик каналлар орқали ушбу Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ёзма ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилиш, амалга ошириш ва/ёки қўллашда юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликлар Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали ўзаро маслаҳатлашув ёки музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9-модда

Мазкур Битим имзоланган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш (5) йил давомида амал қилади ва Томонлардан бири дипломатик каналлар орқали тегишли муддат тугашидан олти (6) ой аввал ушбу Битимни тугатиш нияти тўғрисида ёзма равишда бошқа Томонни хабардор қилмагунига қадар унинг амал қилиши ўз-ўзидан кейинги шундай муддатларга узаяверади.

Бунинг тасдиғи сифатида тегишли ҳукуматлар томонидан ўрнатилган тартибда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзолادилар.

2015 йил 6 июлда Тошкент шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, ҳинд ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан
Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
ПРОТОКОЛ***

2015 йил 6 июль, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш мақсадида,

Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатларни шериклик, тенглик ва ўзаро манфаат принциплари асосида ривожлантиришга кўмаклашиш истагида,

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш заруриятини таъкидлаган ҳолда,

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва Томонлар мамлакатлари ўртасида тузилган битимларни амалга татбиқ этилиши учун кўмаклашишга интилиб,

* 2015 йил 6 июлдан кучга кирган.

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар икки томонлама муносабатларнинг барча жабҳаларини ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотадиган минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилиш мақсадида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

2-модда

Томонлар 1-моддада кўрсатилган масалалар бўйича маслаҳатлашувларни Ташқи ишлар вазирлари даражасида ва бошқа даражаларда, навбат билан Ўзбекистон ва Ҳиндистонда мунтазам равишда ўтказадилар.

Томонлар зарурият туғилган ҳолларда ўзаро келишув асосида муайян масалаларни муҳокама қилиш учун экспертлар гуруҳларини ташкил этишлари мумкин.

Бундай маслаҳатлашувлар даражаси, кун тартиби ва муддатлари Томонлар ўртасида дипломатик каналлар орқали ўзаро келишилади.

3-модда

Томонлар ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича мунтазам равишда икки томонлама маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Маслаҳатлашувлар қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олиши мумкин:

а) икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш чоралари, шунингдек юқори даражада ва вазирликлар ўртасида ташрифлар билан алмашиш;

б) Афғонистон ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига тааллуқли масалалар бўйича;

в) Консуллик масалалари;

г) Томонлар давлатлари ўртасида тузилган икки томонлама битимларнинг амалга татбиқ этилиши юзасида ахборот алмашиш.

4-модда

Томонлар ўз ваколатлари доирасида иккала мамлакатнинг давлат ташкилотлари, жамоатчилик ва илмий муассасалари ва тадбиркорлар гуруҳлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдилар, шунингдек савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашадилар.

5-модда

Томонлар ҳар икки мамлакат давлат муассасалари томонидан ташкил этилган халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ соҳасида малака ошириш ва махсус курсларда ўқитиш бўйича дипломатлар билан алмашиш орқали ҳамкорлик қиладилар.

Ҳинд томони Ўзбекистон дипломатларини Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро хизмат институтида малака оширишига кўмаклашади. Дипломатлар сони, малака ошириш муддати ва бошқа тафсилотлар ўзаро маслаҳатлашувлар орқали келишилади.

6-модда

Томонлар халқаро ва минтақавий ташкилотлар, жумладан БМТ, ШХТ ва бошқалар доирасида мазкур ташкилотлардаги ўз ваколатхоналари орқали ҳамкорлик қиладилар.

7-модда

Мазкур Протокол қоидаларини қўллаш ёки талқин қилишда юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокаралар ва/ёки маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, мазкур Протоколга ёзма равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Мазкур Протокол имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири ушбу Протоколни бекор қилиш истаги тўғрисида олти (6) ой олдин ёзма хабардор қилгунига қадар амал қилади.

Бунинг тасдиғи сифатида тегишли ҳукуматлар томонидан ўрнатилган тартибда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар мазкур Протоколни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 6 июлда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, ҳинд ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Протокол қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида 2015 — 2017 йилларга
мўлжалланган маданий ҳамкорлик
ДАСТУРИ***

2015 йил 6 июль, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

1994 йил 5 январда Нью-Дели шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосланиб,

2015 — 2017 йилларга мўлжалланган маданий алмашинув Дастурини тузишга интилиб,

куйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Томонлар мазкур Дастур доирасида ўзларининг маданий ташкилотлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатишга ва ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашадилар.

2-модда

Ўзбекистон Бадий Академияси ва Ҳиндистоннинг маданий алоқалар Кенгаши/бошқа манфаатдор ташкилотлари санъаткорлар, санъатшунослар ва олимлар ўртасида ҳар йили икки ҳафта муддат мобайнида тажриба ва билим алмашишни ташкил этадилар.

3-модда

Ўзбекистон Бадий Академияси ва Ҳиндистоннинг маданий алоқалар Кенгаши/бошқа манфаатдор ташкилоти ҳар йили икки ҳафта давомида масъул шахс бошчилигида рассомчилик/санъат буюмлари/ҳайкалтарошлик кўргазмалари билан алмашадилар.

4-модда

Ўзбек томони Ҳиндистон болалар расмлари қўмитаси томонидан ташкил этиладиган Шанкар халқаро болалар танловига Ўзбекистон Бадий Академияси орқали расм/суратлар, уларнинг аннотация ва бошқа маълумотларини юборди, ҳинд томони эса Ўзбекистон Бадий Академияси томонидан ташкил этиладиган «Тошкент қувончлари» Халқаро болалар расмлари Биеналесига ёш санъат усталари ижодий ишларини юборди.

5-модда

Ўзбекистон Бадий Академияси ва Ҳиндистон Замонавий санъат мил-

* 2015 йил 6 июлдан кучга кирган.

лий галереяси ёки Лалит Кала академияси машҳур миллий rassом ва санъаткорлар иштирокида бошқа давлат худудида қўшма гуруҳ кўргазмаларини ташкил этадилар.

6-модда

Ҳиндистоннинг маданий алоқалар Кенгаши/бошқа ташкилоти ушбу Дастурнинг амал қилиш муддати давомида Ўзбекистонда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалида мазкур тадбир шартларига мувофиқ иштирок этади ва Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари томонидан маданий тадбирларда иштирок этиш учун юбориладиган мусиқа ва ижро гуруҳларини қабул қилади.

7-модда

Томонлар иккала давлат кутубхоналари фондида сақланаётган нодир қўлёзмаларни рақамлаштириш ва ҳужжатлаштириш соҳаларида мутахассислар билан алмашадилар.

8-модда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги ва Ҳиндистон Миллий архиви тегишли равишда Ҳиндистон ва Ўзбекистонда архив ҳужжатлари кўргазмасини ташкил этадилар.

9-модда

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва Ҳиндистоннинг Калькутта миллий кутубхонаси ўзаро ҳамкорлик мақсадида китоблар ва бошқа тегишли материаллар билан алмашадилар. Мазкур кутубхоналар Ўзбекистон ва Ҳиндистонда китоблар ва электрон ахборот материаллари кўргазмасини ташкил этадилар.

10-модда

Томонлар ҳар йили ўзаро қулай муддатларда 12 — 16 аъзодан иборат ижрочилик санъати гуруҳлари билан алмашадилар.

11-модда

Томонлар қуйидаги соҳаларни ривожлантиришда ҳамкорлик қиладилар:

(I) Ўзбекистон худудида жойлашган қадимий ёдгорликлар, айниқса Кушон даври ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларни ўрганиш ва қазиш;

(II) Археология, эпиграфика, архив, музейшунослик, ёдгорликларни қайта тиклаш ва илмий сақлаш соҳаларида билим, тажриба, мутахассис ва олимлар билан алмашиш;

(III) Ўзбекистон ва Ҳиндистон худудларида жойлашган Темурийлар, Сафавийлар ва Мўғуллар даврига оид ёдгорликларни тиклаш, сақлаш ва архитектурасини ўрганиш;

(IV) Ўзбекистон музейларида сақланаётган мавжуд тарихий маданий буюмлар ва антикварлар ҳақида каталоглар чоп этиш;

(V) Ўзбекистонлик таниқли олимлар томонидан тайёрланган ўзаро қизиқиш уйғотадиган асарларни рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш;

(VI) Археология, эпиграфика, музейшунослик, ёдгорликларни таркибий ва илмий сақлашга оид нашрлар билан алмашиш.

12-модда

Ўзбекистон Археология институти ва Ҳиндистон Археология ташкилотини санъат, археология ва архитектура соҳаларида ҳамкорлик қиладилар ҳамда ўзаро келишув асосида мазкур соҳада 3 ойгача бўлган муддат мобайнида 2-3 нафар мутахассислар билан алмашадилар.

13-модда

Ўзбекистон давлат санъат музейи ва Ҳиндистон миллий музейи ўзаро келишув асосида 3 ойгача бўлган муддатга музей экспонатларини назорат қилувчи 2-3 нафар мутахассислар билан алмашадилар.

14-модда

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси ва Ҳиндистон Сахития Академияси маданият, санъат ва санъатшунослик соҳаларидаги ҳамкорликни қўйидагилар орқали қўллаб-қувватлайдилар:

(I) Мутахассис ва амалиётчилар алмашинуви;

(II) Ўзаро қизиқиш уйғотадиган мавзуларда семинарлар ташкил этиш, хужжат ҳамда нашрлар алмашинуви;

(III) Қўшма илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

(IV) 5 нафаргача ёзувчилардан иборат делегациянинг Томонлар давлатларида ташрифларини ташкил қилиш.

15-модда

Томонлар спорт ташкилотлари ўртасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришни, шунингдек спортчи ва мураббийлар алмашинувини қўллаб-қувватлайдилар.

16-модда

Барча қўшимча таклифлар дипломатик каналлар орқали ўзаро келишилади.

17-модда

Томонлар имконият даражасида ҳар йили навбат билан Тошкент ва Нью-Делида ушбу Дастур бажарилишини баҳолаш бўйича йиғилишлар ўтказадилар.

18-модда

Ушбу Дастурнинг иловасида кўрсатилган умумий қоидалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу Дастур доирасида амалга ошириладиган тадбирлар билан боғлиқ молиявий масалалар Томонлар ижрочи идоралари ўртасида дипломатик каналлар орқали ўзаро келишув асосида ҳал этилади.

19-модда

Ушбу Дастур имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва 2017 йил 31 декабргача ёки янги Дастур имзолангунга қадар амал қилади.

Тошкент шаҳрида 2015 йил 6 июлда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, ҳинд ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Дастур қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, Томонлар инглиз тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида маданий ҳамкорлик Дастури
доирасида алмашинувни тартибга соладиган
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Шахслар, кўргазмалар, делегациялар алмашинуви:

а) Ҳар бир Томон бошқа Томонга ушбу Дастур доирасида танланган шахсларнинг ташриф кунидан камида икки ой олдин, шунингдек ижодий делегация ва кўргазмаларнинг ўтказилишидан тўрт ой аввал таржимаи ҳол, режалаштирилган сафар йўналиши, келиш ва кетиш муддатларини тақдим этади;

б) Қабул қилувчи Томон таклифни олган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилиши ёки ўзгача ҳолат тўғрисида бошқа Томонга маълум қилади;

в) Юборувчи Томон ижобий жавоб олгандан сўнг қабул қилувчи Томонга камида уч ҳафта олдин шахс ёки шахслардан иборат делегация ташрифининг аниқ муддати ва транспорт тури тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади;

г) Таклиф этилган шахслар қабул қилувчи Томон давлат тилини ёки инглиз тилини билиши керак.

2. Томонлар таклиф этилган шахслар ёки делегация аъзолари учун қабул қилувчи Томон давлати маданияти ва ҳаёт тарзини тушунишига қулай шароитлар яратадилар.

3. Томонлар ўз экспертларининг қабул қилувчи Томон давлатида бўлиш

муддати мобайнида уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича амалда бўлган ҳужжатлар билан таъминлаш тўғрисида маслаҳатлар берадилар.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида
ҳамкорлик қилиш тўғрисида
БИТИМ***

2012 йил 5 апрель, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Кипр Республикаси Ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

икки давлат ўртасидаги алоқаларни тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида янада ривожлантиришни истаб,

иккала мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда туризмнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар икки мамлакатнинг турмуш тарзи, тарихи ва маданияти билан ўзаро танишиш ҳамда туристлар алмашинувини кучайтириш мақсадида туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайдилар ва кенгайтирадилар.

2-модда

Томонлар икки мамлакат ўртасида туристлар оқимини кучайтириш мақсадида ўзларининг амалдаги миллий қонунлари доирасида виза олиш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш имкониятларини ўрганиб чиқадилар.

3-модда

Томонлар икки давлат ўртасида туризмни, хусусан гуруҳ ва яқка тартибдаги туризм, тематик туризм ҳамда конгресслар, симпозиумлар, кўрғазмалар, спорт анжуманлари, мусиқий ва театрлаштирилган фестиваллар каби ихтисослаштирилган туристик гуруҳларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берадилар.

* 2015 йил 8 июлдан кучга кирган.

4-модда

Ўзбекистон Республикаси томонидан «Ўзбектуризм» Миллий Компанияси ва Кипр Республикаси томонидан Кипр Туризм Ташкилоти Томонларнинг туризм соҳасидаги ваколатли органлари ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича фаолият олиб борадилар.

5-модда

Томонлар туризм соҳасидаги ваколатли органлар билан туристик ташкилотлари ҳамда туризмни ривожлантиришда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фаолият олиб борадилар.

6-модда

Томонлар туристлар оқимини кучайтириш мақсадида нашриёт, реклама, босма ва аудио материаллар алмашинуви ёрдамида ҳамда кўргазмаларда иштирок этиш орқали туризмга оид маълумотлар тарқатиш масалаларини ижобий ҳал этадилар.

7-модда

Томонлар меҳмонхоналар ва бошқа муассасаларда кадрлар тайёрлашни ҳамда туризмни ривожлантиришга оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этувчи давлат муассасалари ва хусусий ташкилотлар ўртасида шартномалар имзолашни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалаларини ижобий ҳал этадилар.

8-модда

Томонлар ўз ваколатли органларининг халқаро туризм ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга интиладилар ва мазкур соҳадаги ютуқлари бўйича ўзаро маълумот алмашадилар.

9-модда

Томонлар ўзларининг туризм соҳасидаги ваколатли органлари ва ташкилотлари ўртасида туризм бўйича билим, тажриба, маълумот ва бошқа хужжатлар билан алмашинувнинг муваффақиятли амалга оширилишига алоҳида аҳамият берадилар.

10-модда

Ушбу Битимнинг қўлланилиши ва талқин этилиши юзасидан келиб чиқадиган барча келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этилади.

11-модда

Ушбу Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро ёзма ке-

лишуви асосида унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида протоколлар кўринишида киритилиши мумкин.

12-модда

Ушбу Битим Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликлари тўғрисида охириги хабарнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

Ушбу Битим беш йил давомида амалда бўлади ва агар Томонлардан бири ўзининг ушбу Битимни амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида иккинчи Томонни тегишли муддат тугашидан камида олти ой илгари ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан кейинги беш йиллик даврларга узайтирилади.

Тошкент шаҳрида 2012 йил 5 апрелда ҳар бири ўзбек, грек ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Талқин этишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисида БИТИМ*

2009 йил 28 май, Бразилия

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бразилия Федератив Республикаси Ҳукумати бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси ва Бразилия Федератив Республикаси ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликка катта аҳамият қаратиб,

халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда, икки давлат ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашни истаб,

қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Томонлар ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Би-

* 2015 йил 17 августдан кучга кирган.

тим қоидаларига ва Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чоратадбирларини кўрадилар.

2-модда

1. Томонлар ўзаро икки давлат ўртасидаги товарлар импорти ва экспортига нисбатан қўлланиладиган бож тўловлари ва ҳудди шундай таъсирга эга бўлган солиқларга тааллуқли энг қулай режим яратадилар.

2. Мазкур модданинг 1-бандидаги қоидалар:

а) Томонлардан бири тарафидан чегарабўйи савдосини енгиллаштириш мақсадида қўшни давлатларга яратиладиган имтиёзларга;

б) ҳар бир томон тарафидан улар аъзо бўлган эркин савдо ва божхона иттифоқи тўғрисидаги битимлар доирасида яратиладиган имтиёзли режимга, ривожланаётган давлатлар билан имтиёзга оид битимларга ёки ривожланаётган давлатларга имтиёзларни бир томонлама беришга нисбатан қўлланилмайди.

3-модда

Томонлар ўзларининг миллий қонунчиликларига мувофиқ бошқа Томоннинг ҳудудида ҳар қандай Томоннинг қўшма корхоналарини, хўжалик юритувчи субъектларнинг филиалларини, банкларини ва бошқа тузилмаларини ташкил этилишига ёрдам берадилар. Томонлар инвестицияларни ва технологияга боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни ва мустаҳкамлашни муҳимлигини англаб етадилар.

4-модда

1. Томонлар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни қўшма лойиҳалар ва дастурлар орқали қўллаб-қувватлайдилар.

2. Томонлар икки давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур чоратадбирларни кўрадилар.

5-модда

Томонлар хўжалик юритувчи субъектларининг мазкур Битим асосида имзолаган шартномалари доирасидаги барча тўловлар, Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ халқаро тўловларда қабул қилинган талабларга асосан эркин муомаладаги валютада амалга оширилади.

6-модда

Томонлар ҳудудларида ўтказиладиган халқаро ярмаркалар ва кўرғазмаларда ва бошқа шунга ўхшаш анжуманларда икки давлат хўжалик юритувчи субъектларининг иштирок этишларига кўмаклашадилар.

7-модда

1. Томонлар ўртасидаги иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорлик икки давлат хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида, уларнинг мулкӣ ва ҳамкорлик шаклларида қатъи назар, Томонларнинг миллий қонунчилиги ҳамда халқаро савдо тажрибасидан, дунё товарлари ва хизматлари бозори нархлари асосида шартномалар орқали амалга оширилади.

2. Томонлар икки давлат хўжалик юритувчи субъектларининг тузган шартномалари бўйича мажбуриятларини бажармаганликлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

8-модда

1. Томонлар мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ва Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Томонларнинг тегишли давлат органлари ва ишбилармон доиралар вакилларида иборат савдо-иқтисодӣ ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия (бундан кейин — Ҳукуматлараро комиссия) ташкил этадилар.

2. Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари бир йилда бир марта ёки ҳар икки Томон ўзаро келишуви бўйича зарур деб ҳисоблаган вақтларда Ўзбекистон Республикаси ва Бразилия Федератив Республикасида навбатма-навбат ўтказилади. Ҳукуматлараро комиссия ўз Регламентини ўзи мувофиқлаштиради.

3. Ҳукуматлараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

а) ўзаро манфаатли бўлган соҳаларда иқтисодиёт ва савдо бўйича ҳамкорлик дастурларини муҳокама қилиш;

б) кредитлар беришнинг маъқул шартларини, иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликни молиявий таъминлашни аниқлаш;

в) ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

г) икки давлат хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликнинг шарт-шароитларини яхшилаш учун таклифлар тайёрлаш;

д) ушбу Битимнинг татбиқ қилиниши юзасидан таклифлар киритиш;

е) Томонлар ҳамда улар давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалаларни кўриб чиқиш.

4. Томонларнинг ўзаро ички келишувига асосан мазкур моддани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳар бир Томон тарафидан ўзига тегишли қисми бўйича қопланади.

9-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ва ушбу баённомалар мазкур Битимнинг 11-моддасига мувофиқ кучга киради.

10-модда

Ушбу Битим Ўзбекистон Республикаси ёки Бразилия Федератив Республикаси томонидан тузилган мавжуд халқаро шартномалардан келиб чиқувчи Томонларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди.

11-модда

1. Мазкур Битим Томонлардан бирининг бошқа Томоннинг ушбу Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат процедураларини бажарганлиги тўғрисида сўнги ёзма хабарномани олган санадан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бирининг мазкур Битим амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги ёзма хабарномасини олгунга қадар амалда бўлади.

2. Мазкур Битимнинг амал қилиш муддати шундай ёзма хабарнома олингандан сўнг олти ойдан кейин тўхтатилади.

3. Мазкур Битимнинг амал қилиш муддатининг тўхтатилиши, ушбу Битимнинг амал қилиши давомида юзага келган Томонларнинг молиявий мажбуриятларини бажаришига таъсир қилмайди.

Бразилия шаҳрида 2009 йил 28 май куни икки нусхада, ҳар бири ўзбек, португал ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битимни талқин қилиш мақсадида инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги
ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик
ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан
бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида
КОНВЕНЦИЯ***

2013 йил 8 июль, Мадрид

Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги,
иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал
солиқларини тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида Конвенция
тузиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* 2015 йил 19 сентябрдан кучга кирган.

I-боб.

Конвенцияни қўллаш соҳаси

1-модда.

Конвенция қўлланиладиган шахслар

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккаласининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда.

Конвенция қўлланиладиган солиқлар

1. Ушбу Конвенция бир Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-ҳудудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган даромад ва капитал солиқларига нисбатан, уларни ундириш услубидан қатъи назар, татбиқ этилади.

2. Даромад ва капитал солиғига жами даромаддан, жами капиталдан ёки даромад ёхуд капиталнинг бир қисмидан ундириладиган барча солиқлар, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинган даромаддан ва корхоналар тўлайдиган маош ёки мукофот пулларидан, шунингдек капитал қийматининг ўсишидан олинладиган солиқлар қиради.

3. Ушбу Конвенция қўлланиладиган амалдаги солиқлар, хусусан қуйидагилардир:

а) Ўзбекистон Республикасида:

- (I) юридик шахслардан олинладиган фойда солиғи;
- (II) жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғи;
- (III) мол-мулк солиғи;
- (кейинги ўринларда «Ўзбекистон солиғи» деб юритилади);

б) Испанияда:

- (I) жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғи;
- (II) корпоратив солиқ;
- (III) норезидентлардан олинладиган даромад солиғи;
- (IV) капиталдан олинладиган солиқ;
- (V) даромаддан ва капиталдан олинладиган маҳаллий солиқлар;
- (кейинги ўринларда «Испания солиғи» деб юритилади).

4. Ушбу Конвенция солиқларга қўшимча тарзда ёки мавжудлари ўрнига мазкур Конвенция имзоланган санадан сўнг ундириладиган ҳар қандай бир хил ёки моҳиятан ўхшаш солиқларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари уларнинг солиққа оид тегишли қонунчилигига киритилган муҳим ўзгартишлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

**II-боб.
Таърифлар**

**3-модда.
Умумий таърифлар**

1. Ушбу Конвенция мақсадларида, агар матн мазмунида ўзга маъно ифодаланмаса:

а) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини англатади ва географик маънода қўлланилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, жумладан ҳудудий сувлари ва ҳаво кенглиги доирасида Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуққа мувофиқ ва миллий қонунчиликка асосан ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини, шу жумладан, ер ости бойликларидан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудни англатади;

б) «Испания» атамаси Испания Қироллигини англатади ва географик маънода қўлланилганда халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳамда ўз ички қонунчилиги қўлланилиши бўйича Испания Қироллиги денгиз туби, ер ости ёки чегарадош сув ва табиий ресурсларга нисбатан ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини амалга оширадиган ёки келажакда амалга ошириши мумкин бўлган Испания Қироллиги ҳудудини, шу жумладан ички сувлари, ҳаво кенгликлари, ҳудудий денгизи ҳамда ҳудудий денгизидан ташқаридаги ҳар қандай ҳудудни англатади;

с) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матн мазмунига қараб, Ўзбекистон Республикаси ёки Испания Қироллигини англатади;

д) «шахс» атамаси жисмоний шахс, компания ёки бошқа ҳар қандай шахслар бирлашмасини англатади;

е) «компания» атамаси юридик шахс ёки солиққа тортиш мақсадларида юридик шахс сифатида қараладиган ҳар қандай ташкилотни англатади;

ф) «корхона» атамаси ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга татбиқ қилинади;

г) «бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» атамалари мос равишда бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида бўлган корхона ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида бўлган корхонани англатади;

б) «халқаро ташиш» атамаси Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемасида, темир йўл ёки автомобиль транспортида ҳар қандай ташишни англатади, денгиз ёки ҳаво кемасидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган пунктлар ўртасида фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно;

1) «ваколатли орган» атамаси қуйидагиларни англатади:

(I) Ўзбекистонда — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ёки унинг ваколатли вакили;

(II) Испанияда — Молия ва давлат маъмуриятлари вазири ёки унинг ваколатли вакили;

2) «миллий шахс» атамаси қуйидагиларни англатади:

(I) Ахдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс;

(II) Ахдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз макomini олган ҳар қандай юридик шахс, ширкат, уюшма;

3) «тадбиркорлик фаолияти» атамаси касбий хизматларни кўрсатиш ва бошқа мустақил турдаги фаолиятни ўз ичига олади.

2. Конвенция Ахдлашувчи Давлат томонидан исталган вақтда қўлланилганда, унда белгиланмаган ҳар қандай ибора, агар матндан бошқа маъно келиб чиқмаса, ушбу Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан шу вақтда мазкур Давлат қонунчилигига кўра эга бўлган маънони англатади. Атаманинг мазкур Давлат солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган маъноси ушбу Давлатнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларида шу атама учун берилган маънодан устунлик қилади.

4-модда.

Резидент

1. Ушбу Конвенция мақсадларида «Ахдлашувчи Давлат резиденти» атамаси мазкур Давлат қонунчилиги бўйича ўзининг яшаш жойи, доимий бўлиш жойи, бошқарув жойи ёки ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш мезонлар асосида солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни англатади, шунингдек Давлатнинг ўзини ва ҳар қандай маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинмасини ёхуд маҳаллий ҳокимият органини ҳам ўз ичига олади. Бироқ мазкур атама фақат ушбу Ахдлашувчи Давлатдаги манбалардан ёки капиталдан даромад олаётгани учун шу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агарда 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳар иккала Ахдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

а) шахс фақат ўзи доимий яшайдиган уй-жойга эга бўлган Давлат резиденти бўлиб ҳисобланади; агар шахс ҳар икки Давлатда ҳам яшаш учун уй-жойга эга бўлса, бундай шахс фақат яқин шахсий ҳамда иқтисодий алоқаларга (ҳаётий манфаатлар маркази) эга бўлган Давлат резиденти ҳисобланади;

б) агар бундай шахснинг ҳаётий манфаатлари маркази бўлган Давлатни аниқлаш имконияти бўлмаса ёки мазкур Давлатларнинг ҳеч бирида яшаш учун доимий уй-жойга эга бўлмаса, ушбу шахс одатда ўзи яшаб турган Давлат резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар икки Давлатда ҳам яшаса ёки улардан ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлат миллий шахси бўлса, шу Давлат резиденти ҳисобланади;

д) агар шахс ҳар иккала Давлат миллий шахси бўлса, ёки ҳеч бири-

нинг миллий шахси бўлмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув орқали ҳал қиладилар.

3. Жисмоний шахслардан ташқари, агарда шахс 1-банд қоидаларига мувофиқ ҳар икки Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, у фақат ўзининг амалдаги бошқарув органи жойлашган Давлат резиденти ҳисобланади.

5-модда. Доимий муассаса

1. Мазкур Конвенция мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхона тўлиқ ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- a) бошқарув жойи;
- b) бўлинма;
- c) офис;
- d) фабрика;
- e) устахона;

f) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёхуд табиий бойликлар қазиб олинadиган ҳар қандай бошқа жой.

3. Қурилиш майдончаси, қурилиш, монтаж ёки йиғув объекти башарти унинг давомийлиги фақатгина ўн икки ойдан кўпроқ давом этса, доимий муассасани ташкил этади.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларидан қатъи назар, «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

a) қурилмалардан фақатгина шу корхонага тегишли товар ёки буюмларни сақлаш, намоиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида фойдаланиш;

b) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасини фақатгина сақлаш, намоиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадида сақлаб турилиши;

c) шу корхонага тегишли товар ёки буюмлар захирасини фақат бошқа корхона томонидан қайта ишланиши мақсадида сақлаб турилиши;

d) доимий фаолият жойининг фақат товар ёки буюмлар сотиб олиш ёки ушбу корхона учун ахборот йиғиш мақсадида сақлаб турилиши;

e) доимий фаолият жойини фақатгина ушбу корхона учун тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадларида сақлаб турилиши;

f) фақат a) — e) кичик бандларида назарда тутилган фаолият турларининг ҳар қандай бирикуви учунгина, башарти ана шу фаолият турларини бирлаштириш натижасида вужудга келган бундай доимий фаолият жойининг жами фаолияти тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, доимий фаолият жойининг сақлаб турилиши.

5. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидаларидан қатъи назар, агар ушбу модданинг 6-банди қўлланиладиган мустақил мақомли агентдан ўзга шахс бир корхона номидан ҳаракат қилса ва Аҳдлашувчи Давлатда мазкур корхона номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда бундай

ваколатдан фойдаланса, бундай корхона мазкур Давлатда токи бундай шахснинг фаолияти 4-бандда кўрсатиб ўтилганлар билан чекланиб қолмаса ва агарда ушбу банднинг қоидаларига мувофиқ доимий фаолият жойи орқали амалга ошириладиган бўлса, доимий фаолият жойини доимий муассасага ўзгартирмаётган бўлса ҳам доимий муассасага эга деб қаралади.

6. Корхона Аҳдлашувчи Давлатда, у шу Давлатдаги тадбиркорлик фаолиятини брокер, коммиссионер ёки ҳар қандай мустақил мақомли агент орқали амалга оширганлиги учун, бундай шахслар башарти ўзининг одатдаги фаолияти доирасида ҳаракат қилса, доимий муассасага эга деб қаралмайди.

7. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки шундай компания томонидан назорат қилинса ёки мазкур бошқа Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) амалга ошираётган бўлса, бу ҳол ўз-ўзидан бу компанияларнинг бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантириб қўймайди.

III-боб.

Даромадни солиққа тортиш

6-модда.

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан оладиган даромадлари (жумладан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар) мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигида белгиланган маънога эга. Атама ҳар қандай ҳолда ер усти мулкига тегишли бўлган умумий қонунчилик қоидалари билан ҳуқуқи белгилаб берилган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлатиладиган чорва ва воситаларни ҳамда кўчмас мулк сервитут (узифрукт)ини, минераллар, манбалар ва бошқа табиий бойликлар қатламларини қазиб олиш учун ёки қазиб олиш ҳуқуқи учун компенсация сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки қайд қилинган тўловларга нисбатан ҳуқуқни ўз ичига олади; денгиз, ҳаво кемалари, темир йўл ва автомобиль транспорти воситалари кўчмас мулк сифатида эътироф этилмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. Акциялар ёки бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш мулк эгасига бевосита ёхуд билвосита кўчмас мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берса, бундай фойдаланишдан олинган даромад, ижарага бериш ёки бундай ҳуқуқлардан ҳар қандай шаклда фойдаланиш, кўчмас мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. 1, 3 ва 4-бандлар қоидалари корхонанинг қўчмас мулкидан олинган даромадига нисбатан қўлланилади.

7-модда.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўз тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса, фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида айtilганидек амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Давлатда мазкур доимий муассаса фаолиятига тегишли бўлган қисм доирасида солиққа тортилиши мумкин.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ушбу доимий муассасага у алоҳида ва мустақил корхона бўлган ҳолда худди шундай ёки шунга ўхшаш шароитларда, мазкур ёки шунга ўхшаш фаолият билан шуғулланган ҳолда олиши мумкин бўлган фойда ҳисоблаб ёзилади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда шу доимий муассаса фаолияти мақсадларида сарфланган харажатларни, жумладан доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ёки ундан ташқарида сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

4. Доимий муассаса томонидан фақат мазкур корхона учун товар ёки буюмларнинг харид қилиниши асосида ушбу доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисоблаб ёзилмайди.

5. Аввалги бандлар мақсадларида доимий муассасага тегишли бўлган фойда, башарти уни ўзгартириш учун салмоқли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил услубда аниқланади.

6. Агар фойда ушбу Конвенциянинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, ушбу модда қоидалари мазкур моддаларнинг қоидаларига дахл қилмайди.

8-модда.

Халқаро транспорт

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташишларда денгиз ёки ҳаво кемаси, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан фойдаланишдан олган фойдаси фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банд қоидалари транспорт воситаларини эксплуатация қилиш бўйича пулда, қўшма фаолиятда ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинган фойдаларга ҳам қўлланилади.

9-модда.

Бирлашган корхоналар

1. Агар:

а) бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёхуд капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса, ёки

б) бир хил шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса ва ҳар қандай ҳолатда икки корхона ўртасидаги уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мутлақо мустақил бўлган корхоналар ўртасидагидан фарқли шароитлар яратилса ёки ўрнатилса, уларнинг бирортасига ҳисобланиши мумкин бўлган, лекин мавжуд шароитлар туфайли унинг ҳисобига ёзилмаган ҳар қандай фойда ушбу корхона фойдасига қўшилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Агар Аҳдлашувчи Давлат шу Давлатнинг корхонаси фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилган фойдасини, шунингдек солиқларни қўшиб ҳисобласа ва шу тарзда қўшилган фойда биринчи эслатиб ўтилган Давлат корхонасига ҳисобланиши мумкин бўлган фойда бўлса, агар икки корхона ўртасидаги ўрнатилган муносабатлар мустақил корхоналар ўртасидаги муносабатлардек бўлса, унда ушбу бошқа Давлат шу фойдадан олинadиган солиқ миқдорига тегишли ўзгартириш киритиши лозим. Бундай ўзгартиришни аниқлашда ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларига эътибор берилиши лозим ва Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари зарур бўлган тақдирда бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашувларни бошлашлари лозим.

10-модда.

Дивидендлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания резидент ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам мазкур Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо башарти дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шу тарзда олинadиган солиқ миқдори қуйидагилардан ошмаслиги лозим:

а) агар компания (оддий ширкатдан ташқари) дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бўлса ва дивидендлар тўлаётган компания капиталининг камида 25 фоизига эгалик қилса, дивидендлар ялпи миқдорининг 5 фоизидан;

б) бошқа барча ҳолларда дивидендлар ялпи миқдорининг 10 фоизидан.

Ушбу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасини солиққа тортишга дахл қилмайди.

3. «Дивидендлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда, акциялардан

ёки улардан фойдаланишдан ёхуд ҳуқуқлардан фойдаланишдан, тоғ-кон саноати акцияларидан, таъсисчилар акцияларидан ёки фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қарз талаблари ҳисобланмайдиган бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резидент ҳисобланган Давлат қонунчилигига мувофиқ акциялардан олинadиган даромад учун белгиланган тартиб бўйича солиққа тортиладиган бошқа даромадни англатади.

4. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган дивидендларнинг ҳақиқий эгаси дивидендларни тўлаётган компания резидент ҳисобланган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини унда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ва дивидендлар тўланадиган улуш ҳақиқатда мазкур доимий муассаса билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1- ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолларда 7-модда қоидалари қўлланилади.

5. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойда ёки даромад олаётган бўлса, бундай дивидендлар мазкур бошқа Давлат резидентига тўланиш ҳолатларидан ёки дивиденд тўланадиган улуш мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса билан ҳақиқатда боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендларни солиққа тортмаслиги, шунингдек компаниянинг тақсимланмаган фойдасини, ҳатто тўланаётган дивидендлар ва тақсимланмаган фойда тўлиқ ёки қисман мазкур бошқа Давлатда юзага келган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам солиққа тортмаслиги мумкин.

11-модда.

Фоизлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда юзага келадиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ мазкур Давлатда юзага келадиган бундай фоизлар мазкур Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо башарти фоизларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, солиқ ушбу ҳолларда фоизлар ялпи миқдорининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. 2-банд қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда юзага келадиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган фоизлар фақат мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилади, агарда олувчи фоизларнинг ҳақиқий эгаси бўлса ва:

а) Давлат ёки Марказий банк, маъмурий-худудий ёхуд сиёсий бўлинма ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёхуд белгиланган орган бўлса;

б) фоизлар улар юзага келган Давлат ёки маъмурий-худудий ёхуд сиёсий бўлинма ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёхуд белгиланган орган томонидан тўланса;

с) фоизлар мазкур Давлат ёки маъмурий-худудий ёки сиёсий бўлинма

ёхуд маҳаллий ҳокимият органи ёки жамоат молия агентига тегишли бўлган ёки улар томонидан берилган, таъминланган, кафолатланган ёхуд суғурталанган қарз, қарз талабномаси ёки кредитларга нисбатан тўланса.

4. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда, ипотека таъминотининг мавжудлигидан қатъи назар ва қарздор кўрадиган фойдада иштирок этиш ҳуқуқидан қатъи назар, барча турдаги қарз талабларидан олинадиган даромад, хусусан, ҳукумат қимматли қоғозларидан олинадиган даромад ва облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган даромад, шу жумладан, ушбу қимматбаҳо қоғозлар, облигациялар ва қарз мажбуриятлари бўйича мукофотлар ва ютуқлар, шунингдек, Давлат солиқ қонунчилиги бўйича берилган пул қарзларидан олинадиган даромадга қўшилган барча бошқа даромадни билдиради.

Ўз вақтида амалга оширилмаган тўловлар учун жарималар (неустойка) ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

5. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган фоизларнинг ҳақиқий эгаси фоизлар юзага келадиган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини унда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ва фоизлар тўланадиган қарз талаблари ҳақиқатда мазкур доимий муассаса билан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-бандлар қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолларда 7-модда қоидалари қўлланилади.

6. Тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, фоизлар ушбу Давлатда юзага келган деб ҳисобланади. Бироқ фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга бўлиб, у билан боғлиқ ҳолда қарздорлик бўйича тўланадиган фоизлар юзага келса ва бундай фоизларни тўлаш бўйича харажатлар мазкур доимий муассаса томонидан қопланадиган бўлса, бу ҳолда фоизлар доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда юзага келган деб ҳисобланади.

7. Агар тўловчи билан фоизларга ҳақиқатда ҳуқуқи бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида, қарз талабномасига тегишли бўлган ва уларга нисбатан тўланадиган фоизлар миқдори бундай муносабатлар мавжуд бўлмаган тақдирда тўловчи билан фоизларга ҳақиқатда ҳуқуқи бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу модда қоидалари фақат охирига қайд этилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

12-модда.

Роялти

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида юзага келадиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялти мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ мазкур Давлатда юзага келадиган бундай роялти мазкур Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо башарти роялтининг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шу тарзда олинadиган солиқ роялти ялпи миқдорининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси мазкур моддада қўлланилганда, ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқидан, шу жумладан радио ва телевидение учун кинофильмлар, фильмлар ва ёзувлар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизмалар ёки моделлар, схемалар, махфий формулалар ёки жараёнлар ёхуд ҳар қандай саноат, тижорат ёки илмий жиҳозлардан фойдаланганлик ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборот учун олинган ҳар қандай тўлов турини англади.

4. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган роялтининг ҳақиқий эгаси роялти юзага келадиган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини унда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ва роялти тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатда мазкур доимий муассаса билан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-бандлар қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолларда 7-модда қоидалари қўлланилади.

5. Тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, роялти ушбу Давлатда юзага келган ҳисобланади. Бироқ роялти тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга бўлиб, у билан боғлиқ ҳолда роялти тўлаш мажбурияти юзага келса ва бундай роялтини тўлаш бўйича харажатлар мазкур доимий муассаса томонидан қопланадиган бўлса, бу ҳолда роялти доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда юзага келган деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи билан роялтига ҳақиқатда ҳуқуқи бўлган шахс ўртасидаги ёки улар иккаласи ва ҳар қандай бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида, фойдаланганлик, фойдаланиш учун ҳуқуқ ёки ахборотга тегишли бўлган ва улар учун тўланадиган роялти миқдори бундай муносабатлар мавжуд бўлмаган тақдирда тўловчи билан роялтига ҳақиқатда ҳуқуқи бўлган шахс ўртасида келишилиши мумкин бўлган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу модда қоидалари фақат охири қайд этилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда, тўловнинг ортиқча қисми ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

13-модда.

Капитал қийматининг ўсиши

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ва 6-моддада кўрсатилган кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан оладиган даромадлари мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий

муассасаси ишига дахлдор бўлган мулкнинг бир қисмини ташкил қилувчи кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар, шунингдек ушбу доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси томонидан халқаро юк ташишларда фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемалари, автомобиль ёки темир йўл транспорти воситаларини тасарруфдан чиқариш ёки уларни ишлатишга тааллуқли бўлган кўчар мулкдан олинган даромадлари фақат мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан ўз қийматининг 50 фоиздан ортиғини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан бевосита ёки билвосита берадиган акциялар ёки қиёсий фоиз ставкаларини тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулк акцияларининг ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқларининг эгасига бевосита ва билвосита тегишли бўлган, бундай акциялар ва ҳуқуқларни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

6. Мазкур модданинг 1-, 2-, 3-, 4-, ва 5-бандларида санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар фақат мулкни тасарруфдан чиқараётган шахс резидент ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

14-модда.

Бандликдан олинadиган даромадлар

1. 15, 17 ва 18-моддалар қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, башарти ёлланиб ишлаш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланиб ишлаш бўйича оладиган маоши, иш ҳақи ва шу каби пул мукофотлари фақат шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин. Агар ёлланиб ишлаш бу тарзда амалга оширилган бўлса, унда шу муносабат билан олинган пул мукофотлари мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банднинг қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ёлланиб ишлаганлиги учун оладиган иш ҳақи фақат биринчи айтиб ўтилган Давлатда солиққа тортилади, башарти:

а) ҳақ олувчи кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланадиган ёки якунланадиган ҳар қандай ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ошмайдиган муддатда ёки муддатларда бошқа Давлатда бўлса;

б) пул мукофоти бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи ёки унинг номидан тўланса;

с) ёлловчининг бошқа Давлатдаги доимий муассасаси ҳақ тўлаш бўйича харажатларни қопламаса.

3. Мазкур модданинг юқоридаги қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг халқаро ташувларда фойдаланадиган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида ёки темир йўл ва автомобиль транспорти воситаларида ёлланиб ишлаш учун олинадиган пул мукофотлари мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

15-модда.

Директорлар гонорарлари

Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти ҳисобланган компаниянинг Директорлар кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи аъзоси сифатида олинадиган директорлар гонорари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

16-модда.

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 7 ва 14-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёхуд мусиқачи каби санъат ходими ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги шахсий фаолиятдан оладиган даромади мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Башарти санъат ходими ёки спортчининг шахсий фаолиятдан олинадиган даромад, санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахс ҳисобига ўтказилса, бу даромад 7 ва 14-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. 1 ва 2-бандларнинг қоидаларидан қатъи назар, агар санъат ходими ёки спортчининг фаолияти тўлиқ ёки деярли тўлиқ ҳолда Давлатлардан бирининг ёки ҳар иккаласининг жамоат фондлари томонидан молиялаштирилса ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилса, санъат ходими ёки спортчининг даромади у фаолият юритадиган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилмайди.

17-модда.

Пенсиялар

18-модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига олдин ёлланиб ишлаганлиги учун компенсация сифатида тўланадиган пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш пул мукофотлари фақат мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

18-модда.

Ҳукумат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат, унинг сиёсий, маъмурий-ҳудудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан жисмоний шахсга мазкур Аҳд-

лашувчи Давлатга, сиёсий, маъмурий-худудий бўлинмасига ёки маҳаллий ҳокимият органига кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган ойлик иш ҳақи, маош ва бошқа шу каби пул мукофотлари фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

б) Агар хизматлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс мазкур Давлатнинг резиденти ҳисобланса, бундай ойлик иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш бошқа пул мукофотлари фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади, башарти жисмоний шахс:

(I) мазкур Давлатнинг миллий шахси бўлса;

(II) фақат ушбу хизматни амалга ошириш мақсадида мазкур Давлатнинг резидентига айланмаган бўлса.

2. а) 1-банднинг қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-худудий, сиёсий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ёхуд улар тузган жамғармалардан мазкур Давлатга, унинг маъмурий-худудий, сиёсий бўлинмаларига ёки маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган пенсиялар ва шунга ўхшаш пул мукофотлари фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади.

б) Агар жисмоний шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ва миллий шахси бўлса, бундай пенсия фақат мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

3. 14-, 15-, 16- ва 17-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-худудий, сиёсий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан амалга ошириладиган, тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатишдан олинган ойлик иш ҳақи, маош, пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш пул мукофотларига нисбатан қўлланилади.

19-модда.

Талабалар

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида фақат ўқиш ёки таълим олиш мақсадида яшаб турган талаба ёки амалиётчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланса ёхуд биринчи Аҳдлашувчи Давлатга келгунига қадар мазкур Давлатнинг резиденти ҳисобланган бўлса, улар томонидан олинаётган яшаш, ўқиш ва таълим олиш учун мўлжалланган тўловлар, башарти мазкур тўловлар шу Давлат худудидан ташқаридаги манбалардан юзага келаётган бўлса, ушбу Давлатда солиққа тортилмайди.

20-модда.

Профессорлар ва илмий ходимлар

1. Башарти шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатга ташрифидан олдин бевожита бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган бўлса ҳамда ҳар қандай расмий университет, колледж, мактаб ва бошқа шу каби таълим муассасаси таклифи асосида ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатга икки йилдан ошмаган муддатга фақат ушбу таълим муассасасида таълим бериш ва/ёки илмий тадқиқот ўтказиш мақсадида келса, бундай таълим бериш ва илмий

тадқиқот ўтказишдан олинган барча пул мукофотлари мазкур бошқа Давлатда солиқдан озод қилинади.

2. 1-банднинг қоидалари алоҳида шахс ёки шахсларнинг манфаатлари учун амалга ошириладиган илмий тадқиқотдан олинган даромадга татбиқ этилмайди.

21-модда.

Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг мазкур Конвенциянинг аввалги моддаларида назарда тутилмаган даромад турлари, улар қаерда юзага келишидан қатъи назар, фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади.

2. Башарти бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган даромад олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассасаси орқали фаолият олиб борса ҳамда даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк мазкур муассаса билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса, 6-модданинг 2-бандида белгиланган кўчмас мулкдан олинadиган даромадлардан бошқа даромадларга нисбатан 1-банднинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда 7-модданинг қоидалари қўлланилади.

IV-боб.

Капитални солиққа тортиш

22-модда.

Капитал

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентига тегишли бўлган ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 6-моддада назарда тутилган кўчмас мулк кўринишидаги капитал мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи давлатда эга бўлган, доимий муассасанинг ишга оид мулкнинг бир қисмини ташкил этадиган кўчар мулк кўринишидаги капитал мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонасига тегишли бўлган ва халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз ва ҳаво кемалари, автомобиль ёки темир йўл транспорти воситалари ҳамда улардан фойдаланишда ишлатилadиган кўчар мулклар кўринишидаги капитал фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади.

4. Компанияда ёки ҳар қандай шахслар уюшмасида қийматининг 50 фоиздан ортиғи Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан бево-сита ёки билвосита олинadиган, акциялар ёхуд бошқа ҳуқуқлар кўринишидаги ёки Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи акция ёхуд бошқа ҳуқуқлар кўринишидаги капитал кўчмас мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча қисмлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

V-боб.

Иккиёқлама солиққа тортишни баргараф қилиш усуллари

23-модда.

Иккиёқлама солиққа тортишни баргараф қилиш

1. Ўзбекистонда иккиёқлама солиққа тортиш қуйидаги тартибда баргараф қилинади:

Ўзбекистон резиденти мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ Испанияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки капитал элементларига эга бўлса, Ўзбекистон қуйидагиларга йўл қўйиши лозим:

а) ушбу резидент даромад солиғидан Испанияда тўланган даромад солиғига тенг бўлган суммани чегириб ташлаш;

б) ушбу резидентнинг мулк солиғидан Испанияда тўланган мулк солиғига тенг бўлган суммани чегириб ташлаш.

Бундай чегирмалар ҳар қандай ҳолатда ҳам даромад ёки капитал солиғининг даромад ёки капиталнинг шундай элементларига тааллуқли чегирма тақдим қилингунга қадар ҳисоблаб чиқиладиган, вазиятга кўра Испанияда солиққа тортилиши мумкин бўлган қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Испания ички қонунчилигига мувофиқ, Испанияда иккиёқлама солиққа тортиш унинг ички қонунчилиги қоидаларидан келиб чиқиб ёки қуйидаги қоидаларга асосан баргараф қилинади:

а) Испания резиденти мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки капитал элементларига эга бўлса, Испания қуйидагиларга йўл қўйиши лозим:

(I) ушбу резидент даромад солиғидан Ўзбекистонда тўланган даромад солиғига тенг бўлган суммани чегириб ташлаш;

(II) ушбу резидент капитал солиғидан капиталнинг шу каби элементларидан тўланган капитал солиғига тенг бўлган суммани чегириб ташлаш;

(III) кўрсатиб ўтилган корпоратив солиқдан чегирмалар Испаниянинг ички қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши лозим.

Бундай чегирмалар ҳар қандай ҳолатда ҳам даромад ёки капитал солиғининг даромад ёки капиталнинг шундай элементларига тааллуқли чегирма тақдим қилингунга қадар ҳисоблаб чиқиладиган, вазиятга кўра Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

б) Конвенциянинг бирор бир қоида­сига мувофиқ Испания резидентининг даромади ёки капитали Испанияда солиққа тортишдан озод этилса, Испания бу резидент даромадининг ёки капиталининг қолган қисмига нисбатан солиқ қий­мати­ни ҳисоблаб чиқишда солиқдан озод этилган даромад ёки капитални ҳисобга олиши мумкин.

VI-боб.

Махсус қоидалар

24-модда.

Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат миллий шахсларига бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлат миллий шахсларига бир хил вазият учун қўлланиладиган ёки қўлланилиши мумкин бўлган солиқлар ёхуд улар билан боғлиқ бўлган, жумладан, яшаш жойига дахлдор бўлган мажбуриятларга нисбатан ўзгача ёки оғирроқ ҳар қандай солиқлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар қўлланилмайди. Мазкур қоида 1-модда қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки ҳар иккаласининг резиденти бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ушбу бошқа Давлатда айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни солиққа тортишдан кўра ноқулайроқ бўлмайди. Ушбу қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларини солиққа тортиш бўйича ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки оилавий шароитидан келиб чиққан ҳолда тақдим қиладиган ҳар қандай шахсий имтиёзлар, озод этиш ёки чеғирмалар беришга мажбурият юклайдиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланиладиган ҳолларни истисно этганда, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлари, роялтилари ва бошқа тўловлари шундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида биринчи қайд этилган Давлат резидентига тўланганида қўлланиладиган бир хил шартлар асосида чеғириб ташланади. Мутаносиб равишда, бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига ҳар қандай қарзлари шу корхонанинг солиққа тортиладиган капиталини аниқлаш мақсадида биринчи қайд этилган Давлат резидентига қарзлар сингари бир хил шартлар асосида чеғириб ташланиши лозим.

4. Капитали тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёхуд улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонасига биринчи қайд этилган Давлатда мазкур Давлат корхоналарига бир хил вазият учун қўлланиладиган ёки қўлланилиши мумкин бўлган солиқлар ёхуд улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга нисбатан ўзгача ёки оғирроқ ҳар қандай солиқлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар қўлланилмайди.

5. Мазкур модда қоидалари 2-модда қоидаларидан қатъи назар, ҳар қандай тур ва тавсифдаги солиқларга нисбатан қўлланилади.

25-модда.

Ўзаро келишиш тартиби

1. Агар шахс, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг ёки ҳар иккаласи-

нинг ҳаракатлари мазкур Битим қоидаларига номувофиқ солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у мазкур Давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан мустақил равишда ўзи резидент ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ёки агарда унинг ҳолати 24-модданинг 1-бандига мос келса, ўзи миллий шахс ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ариза билан му-рожаат қилиши мумкин. Ариза ушбу Конвенция қоидаларига зид равишда солиққа тортилишга олиб келадиган хатти-ҳаракат тўғрисидаги биринчи хабарнома кунидан эътиборан уч йил ичида тақдим этилиши лозим.

2. Агар ваколатли орган эътирозни асосли деб топса ва унинг ўзи би-рор мақбул қарорга кела олмаса, Конвенцияга номувофиқ бўлган солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида масалани бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишув асосида ҳал қилади. Эришилган келишувлар Аҳдлашувчи Давлатларнинг ички қонунчилигидаги ҳар қандай вақтинчалик чекловлардан қатъи назар, амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Конвенция-ни қўллаш ёки талқин қилишда юзага келадиган ҳар қандай келишмовчи-лик ва англашилмовчиликларни ўзаро келишув асосида ҳал қилишга ҳара-кат қиладилар. Шунингдек, улар мазкур Конвенцияда назарда тутилмаган ҳолларда ҳам иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик мақсадида бир-бирлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъ-ноларини тушунишда келишувга эришиш мақсадида бир- бирлари билан бевоси-та алоқа қилишлари мумкин. Агар келишувга эришиш учун оғзаки фикр алма-шуви мақсадга мувофиқ бўлса, бундай алоқалар Аҳдлашувчи Давлатларнинг вакиллари билан иборат қўшма комиссиялар доирасида амалга оширилиши мумкин.

26-модда.

Маълумотлар алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари Аҳдлашувчи Дав-латлар номидан ундириладиган ҳар қандай турдаги ва тавсифдаги солиқларга оид бўлган, мазкур Конвенция қоидаларини бажариш ёки бошқариш ёки ички қонунчиликни қўллашда олдиндан аҳамиятли бўлган ва бундай солиққа тор-тиш мазкур Конвенцияга зид бўлмаган маълумотларни алмашадилар. Маъ-лумот алмашинуви 1- ва 2-моддалар қоидалари билан чекланмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлатларнинг биридан 1-бандга мувофиқ олинган ҳар қандай маълумот мазкур Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ олинган маълумотнинг ўзида қандай махфийлик назарда тутилган бўлса, худди шун-дай махфий ҳисобланади ва фақат мазкур Битим қўлланиладиган, 1-бандда кўрсатиб ўтилган солиқларга дахлдор бўлган баҳолаш ёки йиғиш, мажбу-рий ундириш ёхуд суд таъқиби ёки апелляцияни кўриб чиқиш ҳамда кўрса-тиб ўтилганларнинг барчасини назорат қилиш билан шуғулланадиган орган (жумладан, судлар ва маъмурий органлар) ва шахсларга ошкор қилинади. Бундай шахслар ёки органлар мазкур маълумотдан фақат кўрсатиб ўтилган

мақсадларда фойдаланишлари лозим. Улар бундай маълумотни очик суд мажлисида ёки суд қарорларида ошкор қилишлари мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганлардан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатлардан олинган маълумот сўровнома жўнатган Давлат қонунчилигига мувофиқ бунга йўл қўйилса, бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкин.

3. Ҳар қандай ҳолатда ҳам 1- ва 2-бандлар қоидалари Аҳдлашувчи Давлатга қуйидаги мажбуриятлар юклайдиган тарзда талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ёки маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий тадбирлар ўтказиш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ ёки одатдаги бошқаруви давомида олиниши мумкин бўлмаган маълумотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касб сирини ёхуд савдо жараёнини ёхуд ошкор этилиши давлат сиёсатига (*ordre public*) зид бўлган маълумотни тақдим этиш.

4. Агар бир Аҳдлашувчи Давлат томонидан ушбу моддага мувофиқ маълумот сўралган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат бундай маълумот ўз солиқ мақсадлари учун зарур бўлмаса ҳам, сўралган маълумотни олиш учун ахборот тўплаш бўйича ўз тадбирларидан фойдаланиши лозим. Юқорида назарда тутилган мажбурият 3-банд қоидалари билан чекланган, бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, бундай чекловлар ички манфаатлар мавжуд эмаслиги сабабли маълумот тақдим этишни рад қилиш учун Аҳдлашувчи Давлатга ижозат берадиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

5. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, 3-банд қоидалари маълумот банкка, бошқа молиявий муассасага, номинал эгалик қилувчига ёхуд ишонч билдирувчига ёки агентга ёхуд ишончнома асосида фаолият юритувчи шахсга тегишли ёки шахснинг мулкӣ ҳуқуқларига тааллуқли бўлганлиги сабабли уни тақдим этишни рад қилиш учун Аҳдлашувчи Давлатга ижозат берадиган тарзда талқин қилинмайди.

27-модда.

Дипломатик агентлар ва консуллик хизматчилари

Ушбу Конвенция қоидаларининг ҳеч бири дипломатик агентлар ёки консуллик хизматчиларига халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ берилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

VII-боб.

Яқуний қоидалар

28-модда.

Кучга кириши

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат ушбу Конвенция кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида бир-бирини дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

2. Ушбу Конвенция биринчи бандда кўрсатилган сўнгги хабарнома олинган кундан бошлаб уч ойлик муддат ўтгач кучга киради ва унинг қоидалари қуйидагиларга нисбатан амал қилади:

а) ушбу Конвенция кучга кирган ёки ундан кейинги санадан норезидентлар учун тўланадиган ёки ҳисобланадиган маблағ манбаларидан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) ҳар бир солиқ йили учун мазкур Конвенция кучга кирган санадан ёки ундан кейинги санадан бошлаб олинадиган бошқа солиқларга нисбатан;

с) бошқа барча ҳолатларда мазкур Конвенция кучга кирган санадан ёки ундан кейинги санадан.

29-модда.

Амал қилишни тугатиш

Мазкур Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан унинг амал қилиши тугатилгунга қадар амал қилади.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Конвенция кучга кирадиган йилдан беш йил ўтиб, ҳар қандай тақвим йилининг тугашидан камида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали Битимнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида хабарнома бериш йўли билан Конвенциянинг амал қилишини тугатиши мумкин.

Бундай ҳолда Конвенциянинг амал қилиши қуйидагиларга нисбатан тугатилади:

а) норезидентлар учун тўланадиган ёки ҳисобланадиган маблағ манбаларидан ундириладиган солиқларга нисбатан ушбу тақвим йил якунланганидан сўнг;

б) ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган солиқларга нисбатан мазкур тақвим йил якунланганидан бошлаб;

с) бошқа ҳолатларда ушбу тақвим йили якунланганидан сўнг.

Тегишли тартибда ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Мадрид шаҳрида 2013 йил 8 июлда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, испан ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги
ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда
даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг
олдини олиш тўғрисида Конвенцияга
ПРОТОКОЛ***

2013 йил 8 июль, Мадрид

Ўзбекистон Республикаси билан Испания Қироллиги ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисидаги Конвенцияни имзолаш чоғида қуйида имзо чекувчилар қуйидаги қоидалар Конвенциянинг ажралмас қисми эканлиги тўғрисида ахдлашиб олдилар.

I. Имтиёзга эга бўлиш ҳуқуқи

а) Конвенция Ахдлашувчи Давлатга солиқдан бош тортишни бартараф қилиш учун ички қонунчилигини қўллашда зид бўладиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

б) Ахдлашувчи Давлатлар уларнинг қонунчилигини (шу жумладан, солиқ битимлари) суистеъмол қилишга нисбатан ички тартиб ва қоидалари шу каби суистеъмол қилишлар тартибига нисбатан қўлланиши мумкинлигини баён қиладилар.

с) Конвенция Ахдлашувчи Давлатларга чет эл корхоналарини назорат қилиш учун ички қоидаларини қўллашни тақиқламайди.

д) Башарти дивиденд тўланадиган акциялар ёки бошқа ҳуқуқларни, фоиз тўланадиган қарз мажбуриятларини, роялти тўланадиган ҳуқуқларни юзага келтириш ёки тақсимлаш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахснинг асосий мақсади ёки асосий мақсадларидан бири 10-, 11- ва 12-моддалардан фойда олиш бўлса, мазкур моддаларнинг қоидалари қўлланилмайди.

II. «Капитал» атамаси Ўзбекистон ҳолатида «мулк» атамасини англатиши тушунилади.

III. Қўшимчалар. 10-модда

Конвенциянинг 10-моддаси 2-бандининг а) кичик банди қоидаларидан қатъи назар, Испания корпоратив солиққа оид қонунчилиги ва унга келгузидаги тўлдиришларига мувофиқ, ташкилот Испания резиденти ҳисобланар экан, у Ўзбекистон резиденти бўлган компаниядан олган дивидендларига нисбатан корпоратив солиққа тортилмайди ва ушбу кичик бандда назарда тутилган фоиз ставкаси нолга қадар камайтиради.

IV. Қўшимчалар. 11-модда 3-банди с) кичик банди

Испания «жамоат молия агенти» қуйидагиларни ўз ичига олади деб ҳисоблайди:

* 2015 йил 19 сентябрдан кучга кирган.

- ICO: Instituto de Crédito Oficial (Кредит уюшмаси Институти);
- CESCE Compañía Española de Seguros de Crédito a la Exportación (Экспорт ссудаси бўйича Испания Сугурта компанияси);
- COFIDES Compañía Española de Financiación del Desarrollo (Ривожланишни молиялаштириш бўйича Испания компанияси).

Тегишли тартибда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, мазкур Протоколни имзоладилар.

Мадрид шаҳрида 2013 йил 8 июлда икки нусхада, ҳар бири ўзбек, испан ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

(имзолар)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 2-3 (46-47)-сон, 2015. — 40 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2015 й.

Таҳрир кенгаши:

*М.М. Икрамов, С.П. Ниязходжаев,
М. Азимов, Д.А. Ибрагимова*

Таҳририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

Ж.Ф. Сирожев, Х.А. Хусанова, М.А. Мираков

Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусаҳҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти.
100192, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: +99871 268-28-45, +99890 936-73-93.

Босишга рухсат этилди 16.11.2015. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 2,75 б.т. Адади 1836 нусха, буюртма — 258.

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86-уй.